

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
ISHTIXON TUMANI
HOKIMINING
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ИШТЫХАНСКОГО РАЙОНА
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 yil 1 may

524-Қ - sonli

Ishtixon sh.

Иштихон тумани худудидаги “Тайлоқ унверсал сервис” масъулияти чекланган жамиятига “Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб ишлаб чиқариш цехи ва ёшлар меҳнат гузари” қуриш учун 8,0 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш ва ушбу худудда яшовчи ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-20-23-моддаларига асосан туман худудидаги “Тайлоқ унверсал сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эргашев Ойбекнинг “Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб ишлаб чиқариш цехи ва ёшлар меҳнат гузари” қуриши учун ер ажратиш беришни сураб ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш буйича комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Туман худудидаги “Тайлоқ унверсал сервис” масъулияти чекланган жамиятига “Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб ишлаб чиқариш цехи ва ёшлар меҳнат гузари” қуриш учун “Янгикент узумлари” агрофирма худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 736-747-735-720-рақамли контурлардаги 8,0 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Тайлоқ унверсал сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эргашев Ойбекга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-“Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб ишлаб чиқариш цехи ва ёшлар меҳнат гузари” қурилиши учун АРТ ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш;

-лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсатнома олиш;

-Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан ҳулоса олиш;

-“Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб ишлаб чиқариш цехи ва ёшлар меҳнат гузари” қуриш қурилиши белгиланган Шаҳарсозлик талаблари асосида келишилган АРТ ва лойиҳа смета ҳужжатлари асосида қуриш вазифалари юклатилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ўзидаги тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ажратилган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифалари топширилсин.

5. Қурилиш ишларини лойиҳа асосида бажарилишини назорат қилиш туман бош архитектори (А.Мурадов)га топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Б.Игамкулов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш.Негматов